
ФАРҒОНАДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 2 МИНГ 233 ТОННА “КУМУШ ТОЛА” ЕТИШТИРИЛАДИ

Ўтган йили вилоятимизда 37259 қути ипак қурти парваришланиб, 2 минг тоннадан зиёд “кумуш тола” хирмони уйилган бўлса, бу йилги мавсумда 39168 қути ипак қуртидан 2233 тонна ҳосил етиштириш мақсад қилинди. Жорий йилда 60 минг қути саноат ва 2,5 минг қути элита ипак қурти уруғи тайёрланиши ҳам режалаштирилган.

Ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш учун 23 млн. туп тут дарахтлари мавжуд 3 690 гектардан ошиқ тутзорлар 4500 нафардан ортиқ аҳолига оилавий пудрат шартномаси асосида тақсимлаб берилган.

Вилоят бўйича 2020 йил куз ва 2021 йил баҳор мавсумида 12 млн.дан зиёд тут кўчатлари экилган бўлса, 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида жами 13 млн. тупдан зиёд тут кўчатлари ўтказилди.

Пиллачилик корхоналари томонидан 2021 йилда қиймати 9 млн.доллардан ортиқ ипак ва ипакли маҳсулотлар экспортга юборилди.

Ипак қурти боқиш орқали 16 минг нафарга яқин аҳоли доимий ва 81 минг нафардан зиёд фуқаро мавсумий иш ўринларига эга бўлиши кўзда тутилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-19 14:47:17